Хушхабар: “Максам-Чирчиқ” АЖ ходими - Жаҳон кубоги совриндори!

// 30.09.2024
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/hushhabar-maksam-chirchiq-azh-hodimi-zhahon-kubogi-sovrindor

Жорий йилнинг 26-29-сентябр кунлари Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтказилган спортнинг "Армрестлинг" тури бўйича XX Жаҳон кубогида Ўзбекистон □□ шарафини ҳимоя қилган “Максам-Чирчиқ” АЖнинг “Карбамид” цехи машинисти-Азиз Таджиев 20 га яқин давлат спортчилари орасида, 105 кг вазн тоифасида кумуш (чап қўлда) ҳамда бронза (ўнг қўлда) медали соҳибига айланди.

"Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти жамоаси Азиз Таджиевни ушбу ғалаба билан табриклайди ва келгусидаги мусобақаларда улкан зафарлар тилайди.

"Максам-Чирчиқ" АЖ Матбуот хизмати